

1. МАВЗУ: Педагогиканинг назарий-методологик асослари. Миллий педагогиканинг моҳияти

Режа:

1. Педагогикани ўрганиш зарурати
2. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида малакали кадрлар тайёрлаш масалалари
3. Педагогика ҳақида тушунча
4. Фаннинг объекти, предмети, масади ва вазифаси, методологик асослари
5. Педагогиканинг тармоқлари

Таянч иборалар: таълим, тарбия, шахс, билим, кўникма, малака, одоб, ахлоқ, маънавият, тарбия назарияси. бола етаклаш, инсон, камолот, шакллантириш, уйғун, ижтимоий, индивидуал, таълим-тарбия, қонуният, тажриба, маҳорат, объектив, ҳаётга тайёрлаш, маълумот, маънавий камолот, қайта тарбиялаш, миллий дастур, ўз-ўзини тарбиялаш ва ҳоказо.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: 2008.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.:199, 182 б.
3. Каримов И.А. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон.- Т.: Халқ сўзи, 2010, 1 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. -Т.: 1997, 31 б.
5. Крутетский В.А.. Педагогик психология асослари. -Т.: 1976.
6. Мавлонова Р., Тўраева О. Педагогика. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
7. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Қ., Ниёзов Г. Педагогика (ўқув қўлланма). – Т.: Фан, 2006.
8. Мавлонова Р., Тўраев О., Холикбердиев К. Педагогика. Касб-ҳунар коллежлари учун дарслик. Иккинчи нашр. -Т.: 2008, 495 б.
9. Педагогика (Мунавваров А. таҳрири остида).- Тошкент, 1997.
10. Зуннунов А., Маҳкамов У. Дидактика.- Тошкент: Шарқ, 2006.

Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она – соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, кенг қўламли умуммиллий дастуримиз доирасида амалга оширилаётган лқан ишларимиз жаҳон миқёсида тан олингани ҳаммамизга маълум.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамити қуриш ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир” номли маърузасида ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш, юксак босқичга кўтариш мавсадида, 2014 йилни “Соғлом бола” йили деб эълон қилди.

Зеро, соғлом болани дунёга келтириш кўпгина омиللарга боғлиқ эканлиги хусусида қуйидагиларга алоҳида тўхтаб ўтди:

Биринчидан, соғлом бола – аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мвасидир.

Иккинчидан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири катта эканлиги.

Учинчидан, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни.

Тўртинчидан, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи жамиятимиз, давлатимиз эътибор марказида туриши ва олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши.

Бешинчидан, соғлом бола тарбисида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг ўрни ва аҳамияти хусусида гапирди.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши бевосита таълим-тарбия натижасига боғлиқлиги барчамизга аён. Таълим-тарбияни такомиллаштирмасдан туриб, маънавий баркамол инсонни тарбиялаш мушкул. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгилаб берилган ижтимоий вазифалардан келиб чиқиб ёш авлод таълим-тарбиясини ташкил этишни кундалик ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Таълим тўғрисидаги қонун (34-модда), Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – баркамол авлод, етук, ҳар қандай рақобатга бардошли кадрлар тайёрлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси ҳаракат дастури. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинди. Дастурда белгиланган асосий вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

“Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошириладиган янгиланиш, ривожланган демократик ҳукукий давлат қурилиши жараёнларига мослашиш”; таълим олувчиларни маънавий ахлоқий тарбиялашнинг энг самарали шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга жорий этиш: таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтиш ва аккредитация қилишнинг ҳолис тизимини жорий этиш ва бошқалардир. Юқорида таъкидланган вазифалар, таълим сифатида талаблари қаторида керакли назорат чоралари ҳамда кўзда тутилган дастур талаблари уч босқичда амалга оширилади. 1-босқич: 1997 – 2001 йилларни ўз ичига олиб, унда бажариладиган асосий иш – уч йиллик академик лицейлар ва касб ҳунар коллежлари тизимига замин тайёрлашдан иборат. 2-босқич 2001 – 2005 йил, бу даврда ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда айнан шу йўналишни кадрлар билан таъминловчи таълим муассасаларининг жойлаштирилиши уларнинг моддий ва молиявий таъминланиши каби вазифалар ҳал этилади. 2005 йилда ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий шароитидан келиб чиққан ҳолда унга тегишли ўзгартиришлар киритиш мўлжалланган. 3-босқичда (2005 йилдан кейин) Кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш жараёнини амалга оширилади. Дастур талабларига кўра кадрлар тайёрлаш жараёнида қуйидаги субъектлар иштирок этади: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.

Ҳурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг «Баркамол авлод орзуси» асарида «Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз». Ва яна «Юқори малакали, замонавий фикрлайдиган одамларнинг етишмаслиги бизнинг олға силжишимизда ҳамон катта тўсиқ бўлиб турибди. Бундай кадрларни, авваламбор, ёш кадрларни топиш, ўстириш, тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланмоқда», деб жуда ўринли таъкидланган. Ҳақиқатан ҳам бундай фазилатларга эга бўлган кишини шакллантириш педагогика фани ва шу соҳада ишлайдиган мутахассислари зиммасига юклатилган.

Савол туғилади: улар таълим-тарбия борасида нима қилишлари, қандай йўл тутишлари лозим? Бу ва бошқа саволларга маълум даражада педагогика фани жавоб беради. Педагогика фани нима ва у қачон пайдо бўлган? Мазкур саволга жавоб беришдан олдин тарихий манбаларга мурожаат этайлик. Манбаларда ёзилишича, кишилиқ жамияти пайдо бўлгач, ижтимоий ҳаётда орттирилган тажрибаларни қуйи авлодга ўргатиш эҳтиёжи туғилади. Тажрибаларнинг тўпланиши натижасида таълим-тарбиянинг дастлабки тамойиллари вужудга келди. Табиат, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги барча тажрибалар асосида муайян билимлар ортиб борди. Таълим-тарбия ишлари билан шуғулланувчи тарбиячилар касб-ҳунар вакиллари сифатида ажралиб чиқа бошлади. Уларнинг таълим-тарбия борасидаги фаолиятлари ва тўпланган тажрибаларидан ўринли фойдаланишлари педагогика фанининг вужудга келишига олиб келади. Шу аснода дастлабки мактаб кўринишидаги муассасалар вужудга келди, тараққий этди. Шундай қилиб, педагогика таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни, усуллари ҳамда ташкил

этиш шакллари ҳақида маълумот берувчи фанга айланди. Демак, педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон этиб тарбиялашда ижтимоий аҳамият касб этади.

Тарбияшунос олим Абдулла Авлоний ўзининг барча тадқиқотларида илм муаммосини биринчи ўринга қўйган. “Алҳосил, – деб ёзган эди у, – бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, майшатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илм билан боғлиқдир... Шунинг учун ўқимак, билмак замонларини қўлдан бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмакка жонимиз борица саъй қилмоғимиз лозимдир”¹. Дарвоқе олим, илм – тарбия жараёнида ўзлаштирилади ва яхшини ёмондан, эзгуликни ёвузликдан, жоизни ножоиздан фарқлаш имконини беришини таъкидлайди.

Қадим-қадимдан ота-боболаримиз ёш авлодни имон-этиқодли комил инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар. Бу ишда исломий тарбиянинг маънавий, маърифий аҳамияти катта бўлган. Ислом дини инсон маънавиятини поклашда, адолат, эзгулик ва боқий илм оламида муҳим мавқени эгаллаган. Бу ҳақида Президентимиз Ислом Каримовнинг: “Ислом дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик”² – деган сўзларида ўз фодасини топган. “Демак, - дин халқ маънавиятининг, маърифатининг шаклланишига катта хисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутмоғимиз лозим... Ёшларимиз исломий қадриятлар билан бир қаторда коинот сиру асрорларигача бўлган дунёвий билимларни ҳам теран ўрганишлари зарур”³.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос тараққиёт йўли олий ўқув юртларидан юқори малакали муҳандислар тайёрлашнинг янгича тамойилларини тақазо этмоқда. Бу эса педагогика курсини янги концепция асосида ишлаб чиқишни ва ўқитишни долзарб муаммо қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида» бозор иқтисодиёти ва янгича технология шароитида ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган. Ўқув юртларида таълим тарбия жараёнларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, янги таълим усуллари, педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этиш, ёшлар таълим тарбиясини миллий мафкура, умуминсоний қадриятларни билиш, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқатлилик руҳини таркиб топтириш асос қилиб олиниши лозим.

Педагогика фани ўз олдига бўлажак мутахассисларни халқимизнинг ўзига хос маънавиятини руҳига мос тушадиган педагогик билим, кўникма ва малакалар билан мукамал қуроллантириш орқали уларда миллий тафаккур, одоб-ахлоқ, тарбияни таркиб топтиришни мақсад қилиб қўяди. Педагогика фани Республикамизда бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида талаб ва эҳтиёжларни, жамиятимиз истиқболи, халқимизнинг бой педагогик қадриятларини, ривожланган мамлакатларни таълим-тарбияга оид илғор тажрибаларини ҳамда ҳозирги замон педагогикаси, психологияси фанлари назарияси ва амалиёти ютуқларини ҳисобга олган халқимизнинг фарзандларидан бўлажак Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Улуғбек каби имонли, этиқодли, билимдон, касб-хунарли, келажаги буюк давлатимизнинг садоқатли фуқороларини шакллантиришнинг илмий услубий асослари билан талабаларни қуроллантиради. Педагогика шахс таълими ҳақидаги фан эканлигидан келиб чиқиб, уни ўрганишда куйидаги масалаларга эътибор берилади:

- таълим ижтимоий, тараққиётнинг устувор йўналиши бўлиб жамиятнинг маънавий жиҳатдан такомиллаштиришнинг энг ишончли омили;

¹ Абдулла алоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., “Ўқитувчи”, 1992. – 23-б.

² И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., “Ўзбекистон”, 1995, 54-бет.

³ Ўша китоб 55-бет

- жамиятни демократиялаштириш ва инсон парварлаштириш ғоясидан келиб чикиб таълим-тарбия марказида шахс, унинг талаб эҳтиёжлари, қизиқиши, интилишлари ҳамда уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ўстириш туради;

- ҳозирги замон таълим-тарбия муаммоларини ҳал этишда халқимизнинг кўп асрлик бой педагогик тажрибаси ҳамда жамият тараққиётининг истиқболлари ва илғор мамлакатларнинг тажрибалари ҳам ҳисобга олинади.

Педагогика аввал табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг умумий қонуниятларини ўрганадиган фалсафа фани таркибидан ажралиб чикиб фан сифатида танилади.

Ҳозирги даврда инсон фаолияти билан қўлланадиган фанлар жуда кўп. Педагогика фанининг ўзи ўрганадиган мавзу яъни инсон, одам, бола, уни тарбиялаш ва шакллантиришни тадқиқ қилади, ҳамда фан сифатида тан олинди ва ривожланиб бормокда.

Янги авлод ўзидан олдинги кекса аждоднинг ижтимоий турмушдаги тажрибасини (фан, санъат, ахлоқ) ҳулё-атвор соҳаларини ўзлаштира бориб уни бойитади. Ижтимоий тажриба моддий ва маънавий қадриятларнинг йиғиндиси сифатида ижтимоий онгнинг турли шаклларида шунингдек, ижтимоий муносабатлар, ҳулё-атвор тизимида мужассамлашган тарбияни, муайян ижтимоий функцияларни бажаришга тайёр бўлган шахсни вояга етказди.

Инсон эгаллаб олиши лозим бўлган ижтимоий тажриба қанчалик мураккаб бўлгани сари, бу тажрибани етказиш юзасидан махсус ташкил этилган фаолиятга (яъни бирор ишлаб чиқаришни ўргатишга) эҳтиёжи пайдо бўла бошлади. Тарбия моҳирлик ва ишнинг кўзини билишни талаб эта бошлади. Тарбияни амалга ошириш, англаш ва бу соҳадаги тажрибаларни ўрганишга эҳтиёж туғилиши натижасида педагогика фани юзага келди. Агар инсоният тарихининг илк босқичларида болалар ва катталар билан биргаликда меҳнат қилиш жараёнида тарбия олган бўлса, жамиятнинг, ҳаётнинг ривожланиб бориши билан билим ва тажрибани ўрганишнинг бундай йўли ҳаёт талабларига жавоб бермай келди. Булар эса ўз навбатида ўқитишни, тарбиялашни тақозо этар эди. Бу вазифа педагогика фанининг алоҳида бир фан сифатида шаклланишига имкон берди. Бу ҳаётнинг объектив талаби натижасида рўй берди. “Тараққиёт тасодиф эмас, балки заруратдир” деб таъкидлаган француз олими Виктор Гюго.

Ҳаётнинг барча йўналишларидаги тажрибалар мактабнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Мактаб сўзи юнон тилида “дам олиш, меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқариш” деган маънони англатади. Қадимги Грецияда мактаб деб тажрибалироқ, билагонроқ одамларнинг болалари ва ўсмирлар билан суҳбатлашишини айтишган.

Кейинчалик “мактаб” термини махсус ўқув-тарбия муассасалари сифатида ишлатила бошлаган ва ҳозирги вақтда ҳам шу маънода ишлатилади. Тарбиянинг такомиллаша бориши натижасида жамият тузилишида фаолиятнинг янги тури юзага чиқдики, у ёшларни махсус ижтимоий педагогик дастурлар асосида ҳаётга онгли ва мақсадга мувофиқ тайёрлашга мўлжаллангандир. Бу масала педагогик касбнинг бўлишини тақозо этарди. Уни амалга ошириш учун махсус тайёрланган мутахассисларга эҳтиёж туғдирди. Педагогик билимлар инсон фаолиятининг махсус йўналишларида ёш авлодни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ва тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам педагогика фани жамиятнинг ривожланишида, одамларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий тажрибаларини кейинги авлодга етказишини ҳал қилувчи ва жамиятнинг ривожланишини таъминловчи фан дейиш мумкин. Бу ҳақда АҚШнинг буюк педагоги Бенджамин Спок “Менинг олдимда икки асосий вазифа аниқ бўла бошлади. Бу бир томондан, педагогикани асримизнинг маънавий даражасига кўтариш бўлса, иккинчи томондан мен тарбиянинг психологик-педагогик қонуниятларини фалсафий англаб етиш билан бирга ота-оналарга аниқ тавсиялар бериш, уларнинг саволларига аниқ жавоб беришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим” - деган эди.

Ҳақиқатан ҳам педагогика фани инсон шахсини маънавий камолотини таъминлайдиган фандир.

Педагогика фанининг предмети – таълим олувчиларга берилаётган таълим-тарбия назарияси ва амалиёти. **Педагогика фанининг объекти** – асосан мактаб ўқувчиларидир. **Фаннинг мақсади** – шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия тизимининг илмий-назарий асосларини яратиш ҳамда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия тизимини назарий-методик жиҳатдан куроллантиришдан иборат. Педагогика **фанининг вазифалари** – биринчи навбатда антропология ва ижтимоий психологияга таянган ҳолда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия тизимини назарий жиҳатдан куроллантиришдан иборат.

Педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари ва амалга ошириш йўллариини ўргатувчи фандир. Педагогика фани шахсни ривожлантиришнинг икки муҳим жиҳатини – уни ўқитиш ва тарбиялашга қаратилганлиги боис **дидактика ва тарбия назарияси** фаннинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. **Дидактика** таълимнинг назарий жиҳатларини, таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятлари, таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳ.к. муаммоларни тадқиқ этади. **Тарбия назарияси** – педагогиканинг муҳим таркибий қисмидан бири бўлиб, тарбия жараёнининг мазмуни, шакл, метод, восита, усуллариини, уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Педагогика атамаси жуда қадимийдир. Ушбу атама грекча “пайдогос” сўздан олинган бўлиб, “бола етаклови” деган маънони билдиради. Эрамиздан олдинги III-I асрларда қадимги Грецияда қулдорларнинг болаларини овқатлантирадиган, уларни сайрга олиб борадиган, табиат қўйнида ўйнатувчи тарбиячи-қулларни “педагог” деб аташган. Кейинчалик эса махсус тайёргарликка эга бўлган кишиларгина педагоглар деб атала бошлади.

“Педагогика – 1) таълим-тарбиянинг назарий асосларини тадқиқ этувчи фан; 2) ёшларга таълим-тарбия ҳамда маълумот бериш, уларни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганувчи ўқув фани; 3) педагогика олий ўқув юртларида ўқитиладиган туркум фанларнинг умумий номи”⁴.

Таълим-тарбиядан кўзланган мақсадни тўғри англаш ва улар тизимида янги билимлар бериш – болаларни тўғри тарбиялаш шартидир. Ҳозирги кундаги ўзбек педагогикасининг вазифаси республикаимизда яшовчи турли миллат – элатларнинг орзу-истакларига монанд таълим-тарбиянинг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини миллий кадриятлар асосида тўғри ҳал этиб беришдир. Бунда Исломи дунёсида қалам тебратган алломаларимиздан тортиб, ҳозирги кунда фаолият юритаётган олиму-фузалоларимиз таълимотларидан ҳамоҳанг қирраларни излаб топиш тақозо этилади.

Таълим – махсус тайёргарланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан ўроллантирадиган, билим қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. **Тарбия** – тарбиячи ўзи хоҳлаган сифатларни тарбияланувчи онгига сингдириш учун уларнинг руҳиятига маълум мақсадга кўра тизимли таъсир кўрсатишидир.

Педагогика фанининг тадқиқ қилиш объекти, ва у ўрганадиган соҳалари йилдан-йилга ортиб, кенгайиб ва ривожланиб бормоқда. Натижада унинг тармоқлари ҳам бир неча гуруҳларга ажралмоқда ва мустақил соҳа сифатида ўрганилмоқда. Улар педагогика фанлари тизими деб номланади.

Ҳар бир фан ўз ривожланишида, ўз назарияларини бойитади, ўзининг ички амалий йўнашларига таяниб такомиллашиб боради. Ҳозирги вақтда педагогика фани ўз фанлари тизимига эга. Улар:

⁴ Педагогик атамалар луғати. - Тошкент. “Фан”, 2008. -103-б.

1. **Умумий педагогика** (инсонга, шахсга таълим тарбия, маълумот бериш шакли, мазмуни, усуллари ва уларни шакллантиришнинг, тарбиялашнинг умумий қонуниятларини тадқиқ қилади ва амалиётда қўллашга ўргатади);

2. **Ёшлар педагогикаси** (турли ёшдаги кишиларга таълим тарбия бериш, шахсни шакллантиришнинг ўзига хос томонларини ўрганади);

3. **Мактаб педагогикаси** (мактаб ёшдаги ўқувчилар таълим тарбия соҳасининг ўзига хос томонларини ўрганади);

4. **Мактабгача тарбия педагогикаси** (мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш, тарбиялашнинг ўзига хос томонларини ўрганади);

5. **Педагогика тарихи** (турли тарихий даврларда мактаблар таълим тарбияси, педагогик ғояларнинг мазмуни, ривожланиш масалаларини ўрганади);

6. **Махсус педагогика** (Дефектология) бу ҳам қуйидаги гуруҳларга бўлинади: карсоков болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан сурдопедагогика; кўзи кўр ва хира кўрадиган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масаласи билан тифлопедагогика; ақлий жиҳатдан қолоқ болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан олигофренно педагогика; дудук ва тили ясси болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан эса логопедия шуғулланади;

7. **Методика** (таълимнинг умумий қонуниятларини муайян предметларидан (яъни она тили, адабиёт, тарих, физика, химия, математика, жисмоний тарбия) дарс беришда қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини, усуллари тадқиқ қилувчи соҳаси);

8. **Оила педагогикаси** (оила муҳити, аъзолари, шароити, таълим тарбиясининг умумий масалаларини ўрганади);

9. **Касб педагогикаси** (ишлаб чиқариш, турли касбларни ўрганишнинг умумий масалаларини тадқиқ этади);

10. **Қиёсий педагогика** (ғояларни таққослаб хулоса чиқариш масалаларини ўрганади);

11. **Халқ педагогикаси** (мазкур халқ таълим-тарбияси, мактаби, ижтимоий турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, ахлоқ, одоби қабиларни ўрганади);

12. **Ижтимоий педагогика** (барча ёшдаги фуқароларни тарбиялашнинг замонавий имкониятлари, воситалари ва манбаларини ўрганади);

13. **Ҳарбий педагогика** (армия сардорлари ва ўқувчиларини ватанимизнинг шон-шарафи ва ор-номуси учун етук курашчи, ҳарбий қурол-яроғлардан самарали фойдалана оладиган ёшларни тарбиялаш билан шуғулланади).

Буюк файласуфлар, ёзувчилар, жамоат ва давлат арбоблари, диншунос олимларнинг педагогик қарашлари ҳам ўрганадидаган педагогика тарихи улар қолдирган бебаҳо маданий-маърифий мерос ёш авлод учун ибрат ва намунадир. Уларнинг таълим-тарбияга оид маърифий таълимотлари ёшларни она ватанга, миллатга садоқат ва ҳурмат руҳида тарбиялашда, уларни иймон-эътиқодли, инсоф-диёнатли, ахлоқ-одобли, оқил ва одил инсон қилиб тарбиялашда, ўзлигини англатишда беназир қадриятдир. Умуминсоният тарихида IX-XV асрларда Шарқда Уйғониш даврида ижтимоий-маданий ҳаётда катта ўзгаришлар юз берган. Айниқса, Амир Темур асос солган салтанат даврида ижтимоий ҳаётда юксалиш, илм-фан, маданият гуркираб ривожланган. Бу даврда яшаб, ижод этган Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Махмуд Қошғарий, Яссавий, Нақшбанд, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк даҳолар жамият тарихи ва жаҳон маданияти ривожланишига катта ҳиссаларини қўшганлар. Бу буюк мутафаккрлар турли фанларга оид яратган асраларида маънавий-маърифий-маданий қадриятларнинг илмий-фалсафий асосларини ишлаб чиқдилар. Улар асрлар давомида таълим-тарбия соҳасида аждодларимиз орттирган тажрибаларнинг кучли қудратга эга эканлигини ва халқчилигини ўз асарларида ифодадилар. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий маданияти ва маърифати умуминсоний маданият ва маърифатнинг ажралмас қисмидир. Умуминсоний цивилизацияга ҳар бир халқ ўз улушини, ҳиссасини қўшган.

Умуминсоний, умумхалқ маданияти, маърифати ва илму-фан ривожда ҳар бир халқ бири-бирига устозлик қилган. Шу боис дарсликларда асосий эътибор миллий педагогикамизни тадқиқ этишга йўналтирилган ҳолда Марказий Осиёда яшаб ижод этган айрим мутафаккирлар ва Европалик машҳур олимларнинг таълим-тарбияга оид таълимотлари ҳақида маълумот берилган. IX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг таниқли раҳбарлари Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби маърифатпарварлар маданиятни ривожлантириш учун маърифатпарварликка асосланиш, таълимни ислоҳ қилиш зарурлиги ғоясини олға суриб, Туркистонда ижтимоий онг тараққиётини бошлаб бердилар.

Шахс-психологик жиҳатдан тараққий этган шахсий хусусиятлари ва хаттиҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турадиган, муайян хулқ-атвор, дунёқарашга эга бўлган жамият аъзоси. Одам шахс бўлиши учун психик жиҳатдан ривожланиши, ўзини яхлит инсон сифатида ҳис этиши, ўз хусусиятлари ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилиши лозим. Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида шахсга айланиши учун ижтимоий муҳит шароитлари ва тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсирида одам инсон сифатида ривожланиб боради ва шахсга айланади. Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг қонуниятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, шахс бир бутун мавжудот сифатида баҳоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий қонуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг характер, қизиқиши ва қобиляти, ақлий ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи ва меҳнат фаолиятига муносабати билан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана шу руҳий хусусиятлар ривожланиб маълум бир босқичга етсагина у мукамал, камол топган инсон бўлади. Шахснинг ижтимоий воқеликка, меҳнатга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати турлича. Шахс бўлиши учун нималар зарур? Одам ижтимоий мавжудот сифатида шахс номини олиш учун унга ижтимоий иқтисодий ҳаёт ва жамият керак.

Ривожланиш нима? Инсон тирик биологик мавжудотдир. Демак, унинг ривожланишида табиат, биологик ва ижтимоий иқтисодий қонуниятлар ўзвий таъсир этади, инсонни камол топтиради. Одамнинг мукамал инсон бўлиб етишувига ўзининг мақсад асосидаги хатти-ҳаракати муҳимлигини эсдан чиқармаслик зарур.

Инсон ҳаёт фаолияти давомида ўзгариб, шаклланиб, ривожланиб боради. Болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Инсон бўлиб туғилган ҳар қандай одам ҳам шахс бўла оладими? Шахс бўлиши учун нималар керак? Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида шахсга айланиши учун ижтимоий ҳаёт шароитлари ва мақсадга қаратилган тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсири остида одам инсон сифатида ривожланиб боради ва шахсга айланади.

Одам боласининг шахс сифатида ривожланиши, унинг ҳар томонлама камолга етишишининг самарали бўлишини таъминлаш учун педагогика фани шахс ривожланишининг умумий қонуниятларини, унга таъсир этувчи омилларини, ривожланиш жараёнига тааллуқли даврларни аниқлаш даркор. Шунингдек, бола шахснинг ривожланишида таълим-тарбия ва бола фаоллигини ролини ҳам аниқлаш лозим.

Шахснинг фазилатларини тўғри кўриш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар тизимига қўйиб кузатиш зарур. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари руёбга чиқади. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омилларининг (фактор) табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ керак.

Индивиднинг *шахс даражасига кўтарилиши* учун унга кўрсатиладиган таъсирлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Унинг ривожланиши учун энг аввало инсон сифатида туғилиши, шароит, тарбия сингари таъсирлар мавжуд бўлмоғи зарур. Агар бундай

таъсирлар кўрсатилмаса у нобуд бўлади. Унинг ривожланиши учун вақт, табиий қулай шароит ва унга кўрсатиладиган тарбия зарур бўлади.

Педагогика фани шахснинг камолга етишишини мураккаб ва зиддиятли жараён деб беради. Шахснинг камолга етишишида насл - ирсият (биологик), ижтимоий муҳит ҳам, мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган таълим-тарбия ва ниҳоят ўзининг мустақил фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шахс қандай жамиятда яшаса ўша жамият ҳаётидаги қонун-қоидаларга асосан камол топади. Агар шу жамиятнинг моддий ва *маънавий бойликлари юксак* бўлса, у шахсга шу қадар катта таъсир кўрсатади ёки аксинча. Иккинчи томондан эса, шахс фаолияти давомида меҳнат орқали ўз моддий ва маънавий бойлигини яратиш жараёнида онгини, ҳаётини, турмуш шароитини ҳам яхшилаб боради. Инсон атрофни объектив борликни кўпроқ билгани сари онглилик даражаси ўсади, фикрлаш доираси кенгаяди, янги онг ва кўникмаларни эгаллайди ва ўзини такомиллаштириб боради. Демак, шахснинг камолга етишуви жамият ривожига чамбарчас боғлиқ.

Маърифат – кишиларнинг онгини, билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия. У табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли билимлар, маълумотлар мажмуасини ҳам билдиради. Маърифат тушунчаси маданият, маънавият тушунчалари билан ҳам боғлиқ. Маърифат маънавий қарамликни ҳам бартараф қилади. Инсонга куч, қудрат ато этади. У кишиларни жаҳолатдан қутқаради, бузуқ ишлардан қайтаради, яхши хулқ, одоб ва ахлоқ эгаси бўлишга ёрдам беради. Маърифатли кишилардан ташкил топган жамият равақ топади, келажаги порлоқ бўлади. Маърифат – билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф ва уни ёйиш воситасидир. Маърифатни ҳаётга сингдириш таълим-тарбия, маориф тизими орқали амалга оширилади. Буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Имом Моғуридий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломалар ўзларининг беқис маърифатлари билан умуминсоний маданиятимизнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар. Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур маърифатни илм, амал, одоб билан ўзаро боғлиқ ҳислатлар деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрига кўра, кишининг одоби, хулқи унинг маърифати, билимдонлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон қанчалик маърифатли бўлса, унинг хулқи ҳам мукамал бўлади. Туркистонда маърифатчилик ғояларининг тарқалиши Гулҳаний, Аҳмад Дониш, Оғаҳий, Нодири, Увайсий, Анбар Отин, Муқимий, Фурқат, Завқий каби ижодкорлар номи билан боғлиқ. 20 аср бошидаги жадидчилик ҳаракатининг илғор вакиллари – Бехбудий, Авлоний, Сўфизода, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари ёзувчи ва шоирлар халқнинг ижтимоий онгини маърифат асосида тарбиялаш учун фидоийлик кўрсатди. Жадиждарнинг олиб борган барча ишлари маърифатчиликка хизмат қилди. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг ҳақиқий маърифатни тиклаш ва тараққий эттириш учун кенг имкониятлар яратилди.

Маънавият – инсоннинг руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. Маънавият атамасининг асосида “маъно” сўзи ётади. Маълумки, инсоннинг ташқи ва ички олами мавжуд. Ташқи оламига унинг бўй-басти, кўриниши, кийиниши, ҳатти-ҳаракати ва бошқалар киради. Ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами маънавиятдир. Озиқ-овқат инсонга жисмоний қувват берса, маънавият эса унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди.

Маданият – жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражасидир.

Мунозара учун саволлар

1. Педагогика фанининг моҳияти?
2. Мустақиллик йилларида миллий педагогикага бўлган эътибор ва уни ўрганиш зарурати?

3. Педагогика фанининг мақсади ва вазифаси нимадан иборат?
4. Педагогика фанининг таркибий қисмлари?
5. Ўзбек педагогикасининг мақсади ва вазифаси?
6. Педагогика фани тизими ва тармоқларини айтинг